

4319407 - СОН
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КҮРСАТИЛИШИ ТҮГРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ
Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкитлари) учун

Карши ш.

2022 йил 10 наварь

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги ўрнеларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейинги ўрнеларда – Оператор) бир томондан ва Биринчи бўйича Оферта номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганилик тўғрисидаги гувохнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Баш вилоят 3.5 Чашмалов (кейинги ўрнеларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўрнеларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича куйидагилар ҳакида Абонент шартномасини (кейинги ўрнеларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон килинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузиши расмий оммавий тақлифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўрнеларда – Офера) шартлари билан тўлиқ танишиб чиксанлигини тасдиқлаб, ушбу Офера шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул килиши (акцептни) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация ракамини беради. Идентификация раками берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури хамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиқсан холда белгиланади.

2. Томонларнинг хукуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Хисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (*Postpaid*) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараённи Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча соликлар ва йигимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб 3 (уч) банк куни мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланинда Абонент тўлови 100 (бир юз) фойз микдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган микдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (КҶСни хисобга олган холда) 105000 (Бир юз бесч ишон) сўм микдоридаги Абонент тўловини хамда () микдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган кўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни ичига ушбу Шартномага кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамига пул маблагларини ўтказиши йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳакини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблаг бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга ошириласлигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланиши вактинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишини истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равища блокировка килиш учун ариза топшириши керак. Блокировка килиш тартиби Офера конидлари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблаглар факат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор килинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилдаган хисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир хисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий микдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш куни мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган хисоб-фактура бўйича ўз эътироzlарини ёзма ёки электрон шаклида тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича хисоб-фактура кабул килинган ва хизматларни тегишли тарзда кўрсатилган деб хисобланади. Абонентнинг эътироzlари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (хисобида, хисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кинич бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб ракамининг баланси салбий бўлганида 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат ҳати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларида хамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал килиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси конунчиликларига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя килинган холда ўзаро келишув орқали ҳал килинади.

5.2. Томонлар ўргасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисолиди судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равища ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишини тартибга солувчи конун хужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар кандай чоралар

кўрмасликлари ёки хатти-харакатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган холда, ўзаро хамкорлик маддаси кўриб чиқилади ва таъминлаш ва коррупция холатларига мурожасиз курашии чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган хар кандай холатларни ходисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажкор холатлари) Офертанинг 10-моддаси коидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътироzonома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпич билан 30 (үттихон) кун давомида кўриб чиқилади ва тегиши шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиши учун 15 (ўн беш) кундан ортик муддат тала ошилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу хакда мажбурий равишда хабардор килинади.

7. Якуний коидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган холларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси конун хужжатларига амал қиласди.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзолangan пайтдан бошлаб, кучга киради ва 20^{йил} йил 31 декабря кадар амал қиласди. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентта татбик этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом этирса ва Томонларнинг хеч бири унинг бекор килинишини эълон килемаган бўлса, Шартнома хар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 20^{йил} йил _____ кадар амал қиласди.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Офера акцептини (Абонентнинг Офера шартларини кабул килганилиги хакидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон килинган Офера, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис хужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-хукукий шаклининг ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида колади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ўн) календарь кун ичida бир-бирларини хабардор килишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар кирилтлганда (агар улар ёзма равишида расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу харакатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзолangan ҳамда Томонларнинг мухрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, хакикий хисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва хар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p>ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АҚ Қашқадарё филиали Манзил: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км</p> <p>Банк маълумотлари: х/р: 20 210 000 504 074 838 334; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алокабанк” Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300; E-mail: gashtel@uztelecom.uz, qashmerketing@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан: Директор _____ М.ў. _____ Ж.С.Бозоров</p> <p>М.ў. /МЗО/ QASHQADARYO FILIALI</p>	<p>АБОНЕНТ: <i>Гашқадарё вилоятинида вадо со Саримим Маркази</i> Манзил: <i>Гарши шахар № 7 Гаршиев кунуси, Узчи</i></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: <i>100018601040170722005402</i> СТИР: <i>003139181</i> МФО: <i>00014</i>; Банк номи: <i>МБ</i> Тел: <i>55 401-16-59</i> E-mail: _____</p> <p>Абонент номидан: Ф.И.О: <i>З.З. Мешатов</i></p> <p>М.ў. /МЗО/ QASHQADARYO VILAYAT SOYOMMA MAMOZI M.ў. /МЗО/ QASHQADARYO VILAYAT SOYOMMA MAMOZI</p>
--	--

2022 йил "12" ынвар
 4319407 -сонли абонент шартномасига
 1-илова

Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

t/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (микдори)	Асос	Микдори	15% ҚҚС билан Тўлов микдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
I. Бир марталик тўловлар					
1.2	Бир марталик тўлов		Нархнома		
1.3	Бир марталик тўлов		Нархнома		
II. Хар ойлик абонент тўловлари					
2.1	Ойлик тўлов <i>телефон</i>	<i>35000</i>	Нархнома	<i>1</i>	<i>35000</i>
2.2	Ойлик тўлов <i>- - -</i>	<i>35000</i>	Нархнома	<i>1</i>	<i>35000</i>
2.3	Ойлик тўлов <i>- - -</i>	<i>35000</i>	Нархнома	<i>1</i>	<i>35000</i>
2.4	Ойлик тўлов		Нархнома		
2.5	Ойлик тўлов		Нархнома		
Жами (олдиндан тўлов)					

Жами олдиндан тўлов микдори _____ () сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % микдорида.

Шартноманинг умумий микдори *105000* (*Бир тоғдем ишт*) сўмни ташкил этади. Ундан _____ () сўм микдорида ойлик абонент тўлови ҳамда _____ () сўм бир маротабалик _____ технологияси бўйича уланиш учун рўйхатга олиш тўлови.

ОПЕРАТОР:
 "Ўзбектелеком" АК
 Қашқадарё филиали

АБОНЕНТ:
Бином, Она бе боев Суриним Марон

Оператор номидан:

Директор
 /имзо/
 м.ў.

Ж.Бозоров



Абонент номидан:

З. З. Исшомов

